www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 29-mart № 40 (2921) seshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳикмат

Ҳар қайси халқ, ҳар қайси жамият аввалambор, ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, маданият ва маънавияти билан кучлидир.

Ислом КАРИМОВ

Янги кун янгиликлари

Қашқадарё

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳар бир хонадонда шахсий томорқадан унумли фойдаланиш бўйича «Мониторинг дафтари» ташкил қилинди. Унда боғдорчилик, чорвачилик, сабзавот-полиз экинлари, иссиқхоналар ҳақида маълумотлар бор. Ҳар бир хонадоннинг мевали дарахти, чорваси, сабзавот маҳсулотлари, қолаверса, иссиқхоналари бўлиши тўғрисида тушунчалар берилмоқда. Вилоят ҳокими Н.Зайниев Қарши туманидаги Бешкент, Қовчин, Талликурон, Кожор қишлоқларида бўлиб, хонадон эгаларига тегишли маслаҳатлар берди, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳақида суҳбатлар уюштирди.

Самарқанд

Нарпай туманида 44 та замонавий уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Айни кунларда Оқтош шаҳрида уч қаватли 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси барпо этилмоқда.

— Муассаса ишга туширилса, туманимиз санъатсевар ёшлари 200 ўринли муҳташам концерт зали, 80 ўринли кичик зал, хореография зали, кенг ва ёруғ фойе ҳамда ўнлаб махсус синф хоналари хизматидан баҳраманд бўладилар, — дейди «Зарафшон» хусусий корхонаси раҳбари Суннат Арзиқулов. — Бу борада 2 млрд. 228 млн. 903 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уддаланиши кўзда тутилган.

Жиззах

Зомин туманидаги мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дилноз-Ноила» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва арзонлиги боис ўз харидорини топмоқда. Жамоа ўтган йили 100 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Жорий йилда бу кўрсаткични 200 млн. сўмга етказиш кўзда тутилган.

— Корхонамизда 7 киши меҳнат қилади, — дейди жамоа раҳбари Дилшод Абдураҳимов. — «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 60 млн. сўм сармоя олиб, замонавий ускуналар ўрнатдик. Жорий йилда корхонани кенгайтириш ҳисобига 13 та янги иш ўрни яратамиз.

Навоий

Ўтган йили манзилли дастур асосида Нурота туманида 16 та қишлоқ врачлик пунктининг 7 таси мукаммал таъмирдан чиқарилганди. Янги йил арафасида эса олис «Чуя» қишлоғида ҳам ана шундай қишлоқ врачлик амбулаторияси тўла қувват билан аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ҳозирда «Сентоп», «Жарма», «Папанай» ва «Қизилча» қишлоқ шифокорлари учун бирваракайига санитар транспорт машиналари ажратилиб, тиббий хизматда тезкорлик таъминланди.

Андижон

Президентимизнинг «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бунёдкорлик ишларига 1 трлн. 696 млрд. 90,1 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

Бу йил вилоятда 670 та уй-жой қурилса, 30 млн. донадан ортиқ ғишт керак бўлади. Асака туманида иш бошлаган «Андижон қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖнинг асосий таъсисчиси «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясидир. Ҳозир корхонада 80 минг дона ғишт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, 50 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Йилига 30 млн. дона ғишт ишлаб чиқарадиган ускуна Хитойдан олиб келинди. Корхона маҳсулоти барча талабларга жавоб бериш билан бирга қишлоқларимизни мустаҳкам уйлар билан безайди.

Ёрқин ранглар фасли

Нафис қалб эгалари

23 мартда Миллий санъат марказида Фонд Форум, «Ijod» рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамда «Устозода» бирлашмасининг лойиҳаларидан бири — «Bazar-Art — 2011» кўргазма-ярмаркаси очилди. 25 март куни лауреатларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси 2007 йилдан бери йилда икки маротаба ўтказиб келинади. Унда ота-боболарининг ишини давом эттириб келаётган усталар, кўзга кўринган ҳунармандлар, қолаверса, бу соҳада эндигина иш бошлаган ёш истеъдодлар ҳам иштирок этишади.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазма-ярмарка анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, ушбу соҳадаги аҳамиятли ўзгариш ва янгиликлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, ижодкор сулолалар ва истеъдодли ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий меросимизни асраб-авайлашга қаратилган. Шунингдек, лойиҳа Ўзбекистондаги миллий амалий санъатнинг бугунги кундаги аҳволини ўрганиш, унинг йўқолиб кетаётган турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш имконини беради.

Ҳунармандлар чеҳрасига назар солар экансиз, уларда ҳаётдан мамнунлик, сокинлик айни дамда шижоатни илғайсиз. Улар яратган ижод намуналарида эса баҳорнинг ёрқин ранглари акс этади.

Кўргазмада таниқли санъат арбоблари ва кўзга кўринган уста-ҳунармандлардан иборат ҳакамлар ҳайъати қатнашчилар асарларини «Анъанавий тўқимачилик устаси», «Анъанавий кандакорлик устаси», «Нақш ва миниатюра устаси», «Ёғоч ўймакорлиги устаси», «Зардўзлик санъати устаси», «Кулолчилик устаси», «Анъанавий каштачилик устаси» ва «Анъаналарни замонавий қиёфаларда сақлагани учун» номинациялари бўйича баҳолашди.

(Давоми 4-бетда)

Тараддуд

Уч томонлама имзоланган Бош келишувда таъкидланганидек, ёзги мавсумда ўғил-қизларни болалар оромгоҳларида соғломлаштиришни ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади. Жиззах вилоятида бу йил жами 7210 нафар мактаб ўқувчиси дам олдирилиши режалаштирилган. Болажонларга 16 та шаҳар ташқарисидаги, 46 та мактаб қошидаги (кундузги) оромгоҳлар хизмат қилади.

Оромгоҳлар уч босқичда ишлайди

Вилоят ҳокими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «Вилоят мактаб ўқувчиларини 2011 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига кўра, болаларни ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш ва дам олдиришни кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлар, ҳокимликлар, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар маблағлари кенг жалб этилади.

Барча оромгоҳлар мавсумда тўлиқ уч босқичда ишлатилиб, ётоқхона, ошхоналарни зарур жиҳозлар билан бирга белгиланган тур ва миқдорда дори-дармон, санитария, ювиш-тозалаш воситалари билан тўлиқ таъминлаш, кутубхонада ҳар бир бола учун камида тўрттадан лотин алифбосидаги бадиий китоблар, маданий ва спорт жиҳозлари бўлиши тегишли мутасаддиларга юклатилди.

«Жиззахавтойўл» акционерлик бирлашмасига туман ҳокимлари билан ҳамкорликда Зомин, Бахмал, Жиззах, Фориш туманларидаги оромгоҳларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш вазифаси топширилди. Вилоят КУТБК шаҳар ва туман ҳокимлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ногирон, боқувчисини йўқотган вояга етмаганларни, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган соғломлаштиришга муҳтож 450 болага имтиёзли ва бепул йўлланма ажратади.

Айни пайтда оромгоҳларни таъмирлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон темир йўллари ривожланишида

Йўлингизни берсин!

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимизда темир йўл коммуникация тармоқларини ривожлантириш, юк ва йўловчи ташиш сифатини ошириш юзасидан қўйилган вазифаларни шараф билан уддалаб келмоқда. Узоққа бориб нима қилдик. 2007 йилда қуриб битказилган «Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линиясида мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Сурхондарёга йўловчи поезднинг йўлга қўйилганлиги ҳеч бир муболағасиз қудратимиз намойишига айланмоқда.

Бу Туркманистон ҳудуди орқали ўтган Тошкент — Термиз поездига нисбатан орадаги масофа 170 километрга, йўлга сарфланадиган вақт эса 7 соатга қисқаришига имкон яратди. Икки йилдан буён Тошкент — Термиз йўналишида қатнаётган поезд аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Вагонлардаги шарт-шароит ва қулайликлардан барча мамнун. Шинам ва озода купеларда йўловчилар кундалик матбуот нашрларидан баҳраманд бўлиш, вагон-ресторанда телевизор кўриб, дам олиш имкониятига эга.

Бир сўз билан айтганда, Сурхон аҳлига замонавий транспорт хизмати кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Жорий йилнинг 3 февралидан «Тошкент-Денов» ҳамда «Денов-Тошкент» йўналиши бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди.

— Илгари вилоятимиздан Тошкентга кун ора — ойнинг тоқ кунларигина поезд қатнар эди. Бошқа пайтда автобус ёки хусусий таксилардан фойдаланишга тўғри келарди. Эндиликда Тошкент — Термиз ёки Тошкент — Денов йўналишлари билан ҳар куни Сурхондарёга келиш ёки пойтахтга бориш мумкин. Куни кеча мен шу поездда Тошкентга бордим. Поезд ҳаракати давомида йўловчиларга кўрсатилаётган юқори даражадаги хизматдан қувондим. Иссиқ чой ичиб, телевизор кўриб шунча масофани босиб қўйганимизни сезмай қолибмиз, — дейди деновлик ўқитувчи Э.Холтўраев.

Сурхон воҳаси ва Тошкент ўртасидаги темир йўл серқатнов йўналишлардан бирига айланди. Бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширмоқда. Энг муҳими, юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилди.

— «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси йўловчиларни ўз вақтида манзилига етказиб, хизмат кўрсатиш сифатини тобора оширмоқда, — дейди 166-темир йўл машина станциясининг темир йўл қуриш тизими машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Юсуп Зиёев. — Темир йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳада бунёдкорлик изчил давом этаётганлиги натижасида Сурхондарёнинг шимолий ҳудудлари — Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманларида истиқомат қилаётган бир миллиондан ортиқ аҳоли ва корхоналар арзон транспорт воситасидан фойдаланиш имконига эга бўлмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Қарор ва ижро

Бемор дардига дармон бўлиш саодати

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИ ВА ШИФОКОРЛАРИ ЎРТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов Ватанимизнинг йигирма йиллик тараққиёт йўлида миллий ва замонавий тамойилларни ўзида ифода этган, юксак технологияларга асосланган соғлиқни сақлаш тизими шаклланганини, бу жараёнда шошилинч тиббий ёрдам хизмати ҳам замонавий стандартлар ва юқори технологиялар асосида аҳолининг барча қатламларига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида шакллантирилган бу хизмат бугун соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим бўғинига айланди.

Ҳозирги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоятларда 13, туманларда 174 бўлими мавжуд. Унинг таркибида 194 тез тиббий ёрдам станцияси, 2,2 мингдан ортиқ тез тиббий ёрдам бригадаси ҳамда фавқулодда вазиятларда хизмат кўрсатишга ихтисослашган санитар авиация хизмати самарали фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш ва шошилинч тиббий ёрдам тизимининг моддий-техник салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Бу йўналишдаги вазифаларнинг изчил ижроси самарасида мазкур тизим кейинги икки йилда қўшимча равишда беш юздан зиёд махсус транспорт воситаси билан таъминланди. Уларнинг юздан кўпроғи сунъий нафас бериш, ЭКГ, томирга дори юбориш, қон босими ва томир уришини ўлчайдиган ва бошқа зарур шошилинч муолажаларни йўл-йўлакай бажаришга мўлжалланган тиббий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган замонавий реанимамобеллардир.

Тизимда фаолият юритаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш — доимий эътиборда. Франция, Жанубий Корея, Россия, Украина каби ўнга яқин хориж мамлакатларидаги нуфузли илм-фан марказлари ва клиникалари билан яқин алоқалар йўлга қўйилгани бу борада муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, соҳа ходимларининг билим ва малакасини юксалтириш, ўзаро тажриба алмашишига кўмаклашиш мақсадида шошилинч тиббий ёрдам тузилмалари ўртасида икки йилдан буён танлов ўтказиб келинмоқда.

Бу йилги танловда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» деб топилди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Мазкур бўлимга бир йилда йигирма олти мингга яқин чақириқ тушган, шифокорлар ҳар бир мурожаатга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатган.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам шифокори Венера Гурьянова танловда «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» деб топилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам машинаси ҳайдовчиси Усмон Акобиров «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинацияси бўйича ғолиб чиқди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ishonch
2011-yil 29-mart № 40 (2921)

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Мамлакатимизда истиқлолнинг йигирма йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Бир қайрилиб ортга назар солсак, шу йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида мислсиз ютуқларга эришилганига гувоҳ бўламиз.

Пиллачилик: ютуқ ва истиқбол

Ўтган даврда фермерлик ҳаракати ҳам ўз ўрнини топиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тобора юксалиб бормоқда. Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик каби соҳаларга ихтисослашган минглаб фермер хўжаликларида юрт эҳтиёжини қоплайдиган, чет элларга экспорт қилинадиган ўнлаб турдаги жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар етиштирилмоқда. Шу билан бирга, фермер хўжаликларда нафақат маҳсулот етиштириш, балки замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш, самарали илмий изланишлар олиб бориш тажрибаси йўлга қўйилди. Масалан, Андижон вилоятидаги бир қатор фермер хўжаликларида ғўзани магнит ёрдамида суғориш тажрибаси катта ижобий натижалар бераётган бўлса, Фарғона вилояти Риштон туманидаги «Шох оқ ер Хисориси» фермер хўжалигида қўйнинг тўрт турли зотини чатиштириш натижасида маҳаллий шароитга мослашган ажойиб насл яратилди. Ғаллачилик, боғдорчилик соҳасида ҳам бундай мисоллар кўплаб топилади.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида пиллачилик қадимий ва ҳеч муболағасиз, ҳаммабоп соҳа. Халқимиз неча асрлардан буён пилла етиштиради. Хотин-қизларимизнинг миллий либосига айланган, дунёнинг энг четида ҳам «ўзбек аёли» деганда ҳар қандай кишининг тасаввурида бирдан ловуллаб турган атлас, яъни шойи кўйлак кийган вакиламиз пайдо бўлади. Пилла қуртини парваришлаш асрлар мобайнида кўпроқ аёл зиммасига юклаб келингани ҳам бежиз эмас. Тарихчилар ўтмишда ўзбек аёлларининг тандир бошида, кўрпалар тахида, ҳатто қўлтиқлари остида ипак қурти уруғини сақлаб, ундан пилла қурти чиқарганларини ёзадилар. Хўш, иқтисодиётимизнинг бу кўҳна тури истиқлолдан кейин қандай ривожланмоқда?

— Пиллачилик Марказий Осиё мамлакатларида неча асрлардан буён ривожлантириб келинади, — дейди Марғилондаги Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти директори Охунжон Охунбобоев. — Кейинги йилларда тармоқ фаолиятини янада жонлантириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида соҳада иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди. Уни модернизациялаш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича

салмоқли ишлар амалга оширилди. Масалан, ипак қурти уруғи заводлари хўжаликларга маҳсулот сотишда, шунингдек, пилла тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш корхоналари пиллани корхоналарга сотишда қўйилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилди. Пилла маҳсулотлари тайёрлаш саноатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Кейинги йилларда юртимизда 30 дан ортиқ ипакли шойи матолари ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширилди. Улар йилига 2100 тонна ипак тайёрлаш қувватига эга. Бунинг учун 6,5-7 минг тонна қуруқ пилла сарфланади. Кўриб турибсизки, Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлганидек, пиллачилик ҳам тараққиёт сари дадил одимламоқда.

Шу билан бирга, фермер хўжаликлари фаолиятида пиллачиликни янада ривожлантириш учун кўп ишлар қилиниши керак.

— Дастлаб Фарғона вилоятида ҳам пиллачилик фермер хўжаликлари ташкил этилганди, — дейди шу институт директори ўринбосари Муҳаммадкарим Мирзахонов. — Лекин фермер хўжаликларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш жараёнида уларнинг ақсарияти бошқа хўжаликларга қўшилиб кетди. Бунинг ўз объектив сабаблари бор албатта. Айтайлик, мамлакатимизда пилла фақат бир марта, баҳор ойларида етиштирилади, холос. Бу эса унинг дадил ривожига хизмат қилмайди. Зеро, ҳозирда жаҳон пиллачилигида етакчи ўринларда турган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби мамлакатларда йилига 3-5 марта пилла ҳосили тайёрланиб, йиғиштириб олинади. XX аср ўрталарида Ўзбекистонда ҳам йилига икки марта пилла етиштиришга эришиш бўлган. Лекин иккинчи ҳосил чўғи кам, маҳсулот эса сифатсиз чиққанлиги ҳам маълум. Ваҳоланки, институтимиз олимлари Ўзбекистон шароитларида ҳозирда уч мартагача аъло сифатли пилла ҳосили етиштириш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб беришган.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида пилла қурти аксарият ҳолларда хонадонларда боқилади. Фермер хўжаликларида ташкил этилган намунавий қуртхоналар жуда оз бўлиб, бунинг устига пилла қуртининг асосий озуқаси — тут барги тайёрлашда ҳам муаммолар мавжуд. Шунингдек, пилла қурти боқувчиларини ҳар томонлама рағбатлантириш, пилланинг харид нархи ва унинг ишлаб чиқариш харажатларини замон талаблари асосида мувофиқлаштириш, пилла етиштириш даврийлиги ва самарадорлигини ошириш каби долзарб вазифалар ечими пиллачилик ривожига хизмат қилиши тайин.

— Бу борада жиддий ижобий ўзгаришларга эришяпмиз, — дейди О.Охунбобоев, — Масалан, ҳозирда Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари яратган «Жарариқ — 4», «Жарариқ — 5» каби янги тут навлари пиллачилик истиқболида ўзига хос ўрин тутишига ишонамиз.

Институт ҳовлисига экилган юқоридаги «Жарариқ — 4» навли тутларни кўздан кечирдик. Бўйининг баландлиги бор-йўғи 40-50 сантиметр келадиган тутнинг шохи кесиб олиш учун жуда қулай. Энг муҳими, уларнинг барги — бу нав тут баргларининг узунлиги 24-25 сантиметрга, эни эса 19-21 сантиметрга етади. Барги ипак қурти учун тўйимли ва ривожига фойдали бу навлар ҳозирда кўпайтирилиб, тарқатилмоқда.

Институт жамоаси Қўштепа тумани ҳудудида 10 гектардан ортиқ майдонда «Ихтисослаштирилган пиллачилик комплекси» яратишга киришган. Ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини парвариш қилиш, пилладан иккинчи ва учинчи ҳосил етказиш бўйича тажрибаларни такомиллаштириш, истиқболли, озуқадорлиги юқори тутзорлар барпо этиш, қуртхона майдонини кенгайтирмаган ҳолда қурт боқиладиган фойдали майдон ҳудудини кўп қаватли сўкичаклар ёрдамида кўпайтириш каби ипакчиликнинг бугунги долзарб вазифалари ечимига хизмат қилиш бирламчи вазифалардандир.

Энг муҳими, бу ерда техника ва технология имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида қуёш батареяси — муқобил энергия станцияси барпо этилади! Қуёш батареялари пилла парваришида энг арзон ва сифатли энергия базасидир. Тасаввур қилинг: икки қаватли бино, унинг биринчи қаватида йил бўйи уч марта пилла ҳосили етиштирилади. Иккинчи қаватда эса пиллакор фермер оиласи истиқомат қилади. Хонадон ва ишхонанинг барча энергия харажатлари бино ёнида жойлашган қуёш батареясидан олинади!

— Ушбу вазифалар тез орада амалга ошишига ишонаман, — дейди О.Охунбобоев. — Тажриба майдони ёнида пиллахона қурилди ва пиллахонада ипак қурти парвариши йил давомида узлуксиз равишда олиб борилади. Кейинчалик бу тажрибани республикамизнинг барча ипакчилик хўжаликларига ҳам кенг ёйишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳа, фермер хўжаликларида ипак қурти парвариши юқори даражага кўтарилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

А.ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Тахтаси эмас этмоғи лозим

тўлашдан озод қилинадиган қоғоз хом ашёсининг рўйхати»ни тасдиқлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур рўйхат Ҳукуматнинг 2010 йил 8 июндаги 387-ф-сон фармойиши билан тасдиқланиб, ижрога киритилди.

Республиканинг тегишли вазирлик ва идораларига миллий маънавиятимизга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига зид бўлган ахборотга, дизайнга эга бўлган ва мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бермайдиган турли хилдаги ёзув дафтарларнинг республикага ноқонуний келтирилишининг олдини олиш ҳамда ички бозорни бундай турдаги маҳсулотлардан тозалаш, сотувга чиқарилган ўқув анжомлари сифати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари дизайнерлари томонидан ишлаб чиқилган ва доимий ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган ёзув, расм дафтарларнинг муқовалари ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган кундалик дафтарларнинг намунаси асосида ёзув дафтарлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2010 йилда республикадаги матбаа корхоналар томонидан 112,4 млн. дона, шу жумладан, 65,9 млн. дона мактаб дафтарлари, 36 млн. дона умумий дафтар, 5,8 млн. дона расм чизув албомлари ҳамда 4,7 млн. дона кундалик рейтинг дафтарлари чоп этилиб, сотувга чиқарилди.

Дафтар маҳсулотларининг сифати ва безакларининг миллий маънавиятимизга мослиги бўйича дастур талабларига жавоб берадиган даражадаги мактаб анжомларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2010 йилда республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган дафтар маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керакли бўлган четдан келтирилган қоғоз хом ашёси 1060 тоннани ташкил этди ва божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинди.

Ҳукумат қарорида белгиланган тадбирларни амалга оширилишига қатъий эътибор берилишига қарамасдан ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўла стандарт талабларига жавоб берадиган дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўлиқ эришилди, деб бўлмайди.

Чунки баъзи корхоналар томонидан стандартларда белгилаб берилган қоғоз турлари ўрнига газета қоғозларидан ишлаб чиқилган ёзув дафтарлари ҳам бозорларимизда мавжуд.

Масалан, 2010 йил 23 февралда «Юноли Риэлт Плюс» МЧЖ томонидан «Тетради для черновых записей и заметок» меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатлар ваколатли ташкилотлардан экспертизадан ўтказилмаган ҳолда 2010 йил 7 апрелда «Ўзстандарт» агентлигининг «Ахборот маълумот маркази» унитар корхонаси томонидан рўйхатига олиниб, амалиётда фойдаланишга топширилган.

Ушбу меъёр ўз номи билан «Хомаки ёзувлар ва белгилар учун» эканлиги маълум. «PARLOQ» МЧЖ босма маҳсулотларни мактаб дафтарлари ҳажмида, катакли ва тўғри чизиқли ҳамда қизил чизмалар билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Натижада ушбу босма маҳсулот халқ хўжалигида ишлатишга мўлжалланган бўлишига қарамасдан, ота-оналар ва ўқувчилар томонидан адашиб сотиб олиниб, мактаб дафтари сифатида фойдаланилмоқда.

Аслида бу дафтарлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида хомаки ёзувлар ва белгилар учун мўлжалланган бўлиб, бу дафтарлар жуда ноқулайлиги учун бу соҳаларда ҳам ишлатилмаган. Мутахассислар томонидан «Шарқ зиёкори», «Ўздавкитобсавдо» ОАЖ ва республикамиздаги идора моллари сотувчи ташкилотларини ўрганиш натижаларига кўра «PARLOQ» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган «Тетради для черновых записей и заметок» дафтаридан завод-фабрикаларга бирор нусха сотилмаганлигига гувоҳ бўлдик. Халқ хўжалигида фақат идора дафтарлари ва блокнотлардан фойдаланилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 8 февралдаги 04-193-сонли хатида кўрсатилганидек, мазкур босма маҳсулотлар Давлат таълим стандартлари ҳамда СанПиН талабларига жавоб бермаганлиги учун, улар умумтаълим мактаб ўқувчиларининг кўриш қобилиятига салбий таъсир этмоқда ҳамда шикоятлар тушмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам мазкур меъёрий ҳужжатни фақат халқ хўжалигига ишлатишга рухсат этган. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 18 сентябрда тасдиқланган «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 234-сонли қарори талабларига зиддир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ташаббуси билан TSh 64-213946606-001: 2010-тармоқ стандарти «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда бекор қилинди.

Ўз навбатида Агентлик томонидан юқорида қайд этилган дастурга мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос оифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ҳамда сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришга чек қўйиш борасидаги вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Бош вазир ўринбосари томонидан 2010 йил 21 октябрда «Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июндаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар комплекси»нинг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида доимий ишчи гуруҳлари тузилиб, улар ҳар ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари бозорларда, савдо мажмуалари, масжид ва диний ташкилотлар атрофи, шоҳбекатлар, хиёбонлар, вокзаллар, ер ости ўтиш йўлаклари ва бошқа жамоат жойларда даврий нашрларнинг, шу жумладан китоб ва дафтарлар, маънавиятимизга зид бўлган тарғибот маҳсулотларини ноқонуний сотилишининг олдини олиш борасида мунтазам рейд тадбирлари ташкил этилди.

Жумладан, Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори» ҳудудида Давлат стандартларига зид равишда ноқонуний ишлаб чиқарилган, шунингдек, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган халқимизнинг миллий маънавиятига зид бўлган турли хилдаги ёзув дафтарлари сотилаётганлиги аниқланиб, у ҳақидаги маълумот вилоят ички ишлар ва солиқ бошқармаларига етказилди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш зарурки, дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши муносабати билан ўтган қисқа вақт ичида 140 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Матбаа корхоналарининг мавжуд ускуналари таъмирдан чиқарилди ва модернизация қилинди. 2010 йилда «Арена холдинг групп» матбаа корхонаси томонидан дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори қувватга эга бўлган «Биеломатик» ускунаси сотиб олиниб, ишга туширилди. 2011 йилда «Ўзбекистон» НМИУга ҳам худди шундай замонавий кўринишдаги матбаа дастгоҳини сотиб олиб, ўрнатиш мўлжалланган.

Агентлик томонидан 2011 йилда ҳам дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун четдан олиб киришда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) тўлашдан озод қилинадиган қоғоз хом ашёсининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги фармойиши лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур рўйхат Ҳукуматнинг 2011 йил 3 февралдаги фармойиши билан тасдиқланиб, ижрога киритилди. Ушбу фармойиш дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун республикага чекланмаган миқдорда қоғоз олиб кириш имкониятини яратди.

Ҳозирда республикамизда дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 19 та матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Республикадаги ички бозорнинг турли хил дафтар маҳсулотларига бир йиллик эҳтиёжи ўртача 200 млн. донани ташкил этади. 2010 йилда ушбу эҳтиёж 56,2 фоизга бажарилди. 2011 йилда бу эҳтиёжнинг ортиғи билан бажарилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, дафтар маҳсулотларини Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, фақат Агентлик тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи» ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан 2009 йилда 3,8 млн. дона, 2010 йилда 11,1 млн. дона дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда 27 млн. дона яъни, 2010 йилга нисбатан 2.4 марта кўп дафтар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари бугунги кунда ички бозорни дафтар маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга эканлигини қайд этиш лозим.

«Ishonch» мухбири
Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ
ёзиб олди

Ҳаёт ва қонун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент вилояти Зангиота туман бўлими ходимлари томонидан корхоналарнинг ноқонуний фаолият кўрсатишига йўл қўймаслик, турли иқтисодий жиноятлар келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда ҳудуддаги «Ободонлаштириш ва қайта қуриш» кичик корхонасининг молиявий фаолияти таҳлил қилинди.

Ноқонуний иш – келтирар ташвиш

Аниқланишича, корхона мансабдор шахслари таъсис ҳужжатлари ҳамда туман ДСИга топшириб келган ҳисоботларида корхона штат жадвалида жами 7 нафар ишчи-хизматчи бўлиб, улардан 5 нафари — яъни 50 фоиздан ортиғи турли гуруҳдаги ногиронлар эканлигини кўрсатиб келган. Шунингдек, Солиқ кодексининг 358-моддаси асосида ягона солиқ тўловчиси бўйича тўлиқ имтиёздан фойдаланиб келган. Аммо текшириш давомида корхона штатида бўлган 5 нафар ногирон мазкур корхонада умуман ишламагани маълум бўлди.

Кичик корхона мансабдор шахслари корхона таъсис ҳужжатлари, молиявий фаолияти юзасидан расмийлаштирган ҳисоботларида 2009 йилда 141 млн. 203,2 минг сўмлик ишлар бажарилганлигини ва ишчи-хизматчиларнинг 50 фоиздан ортиғини ногиронлар ташкил этиши ҳақидаги сохта маълумотларни киритиб, солиқ имтиёзларидан ноқонуний фойдаланиб келишган. 11 млн. 297 минг сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламаган.

Ушбу ҳолат юзасидан «Ободонлаштириш ва қайта қуриш» кичик корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бўлиб ўтган суд жараёнида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари, Департаментнинг Зангиота тумани бўлими ходимлари томонидан Эркин ҚФЙ, Бешқўрғон маҳалласи С.Нажимов кўчасидаги рақамсиз уйда ноқонуний товарлар сақланаётгани юзасидан текширув ўтказилганда бу ерда хонадон эгаси Ш.Салиқулова ва фуқаро С.Рўзиевага тегишли Хитойда ишлаб чиқарилган 124 дона қоғоз қутиларда 10 минг 182 дона «COLGATE» тиш ювиш воситалари борлиги маълум бўлди. Ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 36 млн. 934 минг сўмлик тиш ювиш воситалари текширувдан ўтказилганда, улар истеъмол учун яроқсиз бўлиб, инсонларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ш.Салиқулова ва С.Рўзиевага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра айбли деб топилди.

Ғ. МАМАДАЛИЕВ,
Департаментнинг
Тошкент вилояти
Зангиота туман бўлими
бошлиғи

Бухгалтерияни автоматлаштириш

«БЭМ - кичик корхоналар» дастуридан фойдаланиш жуда қулай бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш тизим ишини осонлаштиради. Шу боис пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ДСИ томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 22 мартига қадар электрон калит олган корхоналар сони 2952 тани ташкил қилса, ҳисобот тақдим этганлари 622 та бўлди. Бугунги кунда туман микёсида 5374 та корхона интернет орқали ҳисобот юбормоқда. Интерактив хизматдан фойдаланган корхоналар эса 7046 тани ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «БЭМ - кичик корхоналар» дастури кичик ва ўрта бизнес корхоналари бухгалтериясининг асосий участкаларини қонунчилигимизга мувофиқ равишда автоматлаштириш имкониятини беради. Уни бухгалтериянинг муайян участкаларида, яъни банк, касса, узоқ муддатли активлар ҳисоби, савдо, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиш кўзда тутилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш, иш ҳақини ҳисоблаш, регламент, стандарт ҳисоботлар бўлимларида ҳам ҳужжатларни автоматик равишда шакллантириш мумкин.

Ҳозирда туман ДСИ ходимлари ушбу дастурнинг қулайликларини тушунтириш мақсадида турли семинарлар ўтказмоқда.

Босит ОРИФХЎЖАЕВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ бўлим бошлиғи

Ishonch

2011-yil 29-mart № 40 (2921)



Битирувчилар бандлиги таъминланмоқда

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш, иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун кўмаклашиш чора-тадбирлари тобора кенгаймоқда. Бу борада Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар олиб борилаётир.

Тошлоқ туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежини ўтган йили 233 ўқувчи битирди. Битирувчиларнинг деярли барчаси айни пайтда доимий иш жойига эга экани эътиборга молик жиҳатдир.

Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим бериш учун барча шарт-шароит яратилган мазкур ўқув масканида ҳозир 759 йигит-қиз саккиз йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Коллеж директори Маҳмуджон Маматовнинг айтишича, бу йил 214 ўқувчи ўқишни тамомлайди. Битирувчи ёшлар амалиёт ўташи ҳамда келгусида ишга жойлашиши учун салоҳиятли ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектларига бириктирилган.

Суратларда: Тошлоқ туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари (чапдан) Мақсуда Турсунова ва Одина Жўраева кимё дарсида; Коллежнинг ахборот-ресурс маркази мутахассиси Шаҳло Йўлдошева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Нафис қалб эгалари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, кўргазма қатнашчилари ушбу ўзига хос маданий тадбир ҳақида шундай фикрларни билдиришди:

Абдумутал Мадалиев — Юнусобод туманидан, мисгар, кандакор:

— Биз сулоламизнинг еттинчи авлодимиз. Ўн ёшимдан буён ота касбимни давом эттираяпман. Ўтган йилларда ҳам танловларда қатнашдим. Бизнинг ҳунар ўта нозик ва мураккаб. Қийинчиликларга парво қилмаймиз. Синглим Иқболой ҳам бу соҳага қизиқади ва ёрдам беради.

Унсуной Норбобоева — Шаҳрисабз туманидан, попопчи:

— Биз кўргазмада биринчи бор иштирок этаяпмиз. Таассуротларимиз бир жаҳон. Жуда кўплаб ҳунармандлар билан танишиб, фикр алмашдик. Ижодкорга туртки керак. Кўргазма ижодимни янада ривожлантиришга катта замин бўлади, деб ўйлайман.

Салима ва Сайёра Ҳакимовалар — Бухоро каштадўзлари:

— Бу кўргазмада иккинчи бор иштирок этмоқдамиз. Бизда янгидан-янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Ўзим билан 15 ёшли қизим Сурайёни олиб келганман. У катта ҳажмдаги сўзаналарни ўзи чизиб, тикади ҳамда ип йигириб бизга ёрдамлашади.

Нўъмонжон Облоқулов — ургутлик кулол:

— Биз саккизинчи авлод вакилларимиз. Оилавий ҳунармандчилик билан шуғулланамиз. Рафиқам ва ўғлим Инъомжон танловларда қатнашишган. Кўргазма нафақат савдо қилиш, балки кўплаб ҳунармандлар билан дийдорлашиш, фикр, тажриба алмашиш майдонидир. Шунингдек, харидорларнинг фикрларини ҳам билиб оламиз.

Сирожиддин Раҳматуллаев — тошкентлик ёғоч ўймакори:

— Устозим Ортиқ Файзуллаев анъаналарини сақлаган ҳолда янада бетакрор ижод намуналари яратишга ҳаракат қиляпмиз. Германия, Малайзия, Парижда бўлган кўргазмаларда иштирок этиб, иш жараёнлари билан таништирганимизда, чет элликлар фаолиятимизнинг ўта мураккаблигига тан берган. Кўргазмада биринчи бор қатнашаяпман.

Рита Одинаева — Музробод тумани Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи рус тили ўқитувчиси:

— Татар миллатига мансубман. Мени ўзбек бадиий каштачилиги ўзига ром этган. Ёшим 63 да бўлишига қарамай ҳеч қийналмай шуғулланаман. Алишер Навоий, Амир Темур портретлари, «Музрободлик келинчак», «Қўнғиротлик онахон», «Элим йўлида» каби асарларим билан фестивалларда кўп қатнашганман. Ажойиб одамлар, айниқса, ўзбек аёли — менинг севимли мавзуим. Авангард услубида кашталар тикаман. Кўргазмада биринчи бор қатнашишим. Янги услубларни кўриб, қалбим завққа тўлди.

Намойиш қилинаётган асарларни кўздан кечириб, ажойиботлар оламига кириб қолгандек бўламиз гўё. Ҳар бир қатнашчининг ижод намунасида қалб ҳарорати мужассам. Улардаги ҳарорат жисмингизга кўчгандек бўлади. Ўз ижод намуналари билан санъат ихлосмандларига хуш кайфият, завқ улашаётган қўли гул инсонларга ҳавасингиз келади.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Дуатлон

Қарши шаҳрида дуатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Оммавийлик

14-16 ёшли ўсмирлар баҳсида самарқандлик Достон Юсупов марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтган бўлса, қашқадарёлик Жавоҳир Саъдуллаев ҳамда Руслан Кенжаев иккинчи ва учинчи поғоналардан жой олишди. Шу ёшдаги қизлар мусобақасида эса Тошкент вилояти вакиласи Кристина Халяева ғолиб, самарқандлик Комила Суярова ва Карина Тожибоева совриндор бўлди.

16-19 ёшли спортчилар баҳсида Осиё чемпиони Жавоҳир Юнусов ўз сўзини айтди. Самарқанд жамоаси аъзолари Шерзод Раҳимов ҳамда Дмитрий Зайцев марра чизиғини чемпиондан кейин кесиб ўтишди.

16-19 ёшли қизлар биринчилигида Тошкент вилояти вакиласи Камила Жданова биринчи, унинг жамодоши Вероника Семёнова иккинчи, наманганлик Елена Дуцкая учинчи ўрин соҳибаси бўлишди.

Катталар ўртасидаги мамлакат чемпионатида эркаклардан андижонлик Шоҳруҳ Юнусов ва Тошкент шаҳри спортчиси Олга Дробишевага тенг келадиган рақиб топилмади. Фарғоналик Зикрулла Маматқулов, Ғанишер Нурматов, Гулчирой Парпибоева ва самарқандлик Анна Агасян совринли ўринлардан жой эгаллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази 2007 йилдан буён дуатлон бўйича йирик мусобақалар мезбонлигини Қарши шаҳрига ишониб топшираяпти. Бу ҳақда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази директори Бобур Яздонов жумладан шундай деди:

— Вилоятимизда ҳар йили республика биринчилиги ёки кубоги мусобақасининг ўтиши дуатлоннинг оммалашишига катта улуш қўшаяпти. Нафақат шуғулланувчилар сони, балки уларнинг тажрибаси, сифат даражаси ҳам ошиб бораяпти. Бу галги чемпионатни ҳам ўтказишда вилоят ҳокимлигининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Қатор ҳамкор ташкилотлар — маданият ва спорт ишлари, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси ташкилий ишларда бизга елкадош бўлишди.

Мусобақада жамоамиз аъзолари Ленур Қодиров, Жавоҳир Саъдуллаев, Руслан Кенжаев фаол қатнашиб, умумжамоа ҳисобида Самарқанд ва Фарғона вилоятларидан кейин учинчи ўринни эгалашимизга муносиб улуш қўшишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Наврўз тадбири

Ҳақиқий байрам чеҳраларда табассум кўришда

Уйғониш, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз шукуҳи ўлкамиз бўйлаб кезмоқда. Халқ таълими вазирлигига қарашли пойтахтимиздаги 66-махсус ёрдамчи мактабда ҳам байрам шодиёнаси ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Дастурхонлар тузалиб, турли баҳорий таомлар тортилди.

— Ўқув масканимизда 250 нафар ногирон бола таълим олмоқда. Шулардан 35 нафарини уйларида ўқитамиз, — дейди мактаб раҳбари Нигора Хўжаева. — Таълим-тарбия жараёни ниҳоятда мураккаб кечишига қарамай, илмий бўлим мудири Дилдора Нурматова, ўқитувчи Умида Умарованинг саъй-ҳаракатлари туфайли таълим-тарбияда яхши самараларга эришмоқдамиз. Кези келганда ҳомий ташкилотларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи эдим. «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қуриб берилган мактаб ҳамиша гавжум. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари турли байрамларда келиб ўқувчиларни табриклаб, совға-салом топшириб кетишади.

Даврада куй-қўшиқ қизигандан қизиди. Биз фурсатдан фойдаланиб тантана иштирокчиси Малика Давлатовани суҳбатга тортдик.

— Фарзандим 2-синфда ўқийди. Дастлаб ўқишга келганда ҳатто гапира олмасди ҳам. Бугун бемлол ўз фикрини тушунтиряпти, — дейди Малика опа ўз хурсандчилигини яшира олмай.

Неъмат РАФИҚОВ

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2011 йил 28 апрел куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси, 29-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг 2001й.и\ч, д\р 10BD757, бошланғич нархи 3 230 000 сўм бўлган «ГАЗ 3102»; 2004й.и\ч, д\р 10BB720, бошланғич нархи 7 160 000 сўм бўлган «Нексия Донс GLE»; русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тошкент халқа автомобил йўлида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,04 гектардан бўлган 108 та ер участкасининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи 3 432 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади. Ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар бошланғич нархларга қўшилмаган ва харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдо кунидан бир кун аввал, ер майдонларига савдо кунидан уч кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун автотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан камида 20 фоизи миқдорида, ер майдонларининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION»ДУКни АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб-рақамига тўланади.

Автотранспорт воситаси савдолари ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент филиали» балансидаги д\р 10AF687 бўлган «ГБА ГАЗ-330210» — 7 200 000 сўмга; д\р 10/188FAA бўлган «ВАЗ-21053» — 2 910 000 сўмга; д\р 10/547FAA бўлган «ВАЗ-2106» — 2 910 000 сўмга; д\р 10AV645 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 460 000 сўмга; «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi»нинг д\р 10AX509 бўлган «МАЗ 54331» — 14 600 000 сўмга; д\р 10B625 бўлган «МАЗ-9397» — 4 900 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий Бошқармасининг д\р 10AR200 бўлган «Хундай Соната» — 7 400 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонаси д\р 10AR737 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 950 000 сўмга; Тошкент Давлат юридик институти д\р 10AR737 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 950 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали балансидаги д\р 01/046RAA бўлган «ГАЗ-31105-501» — 3 950 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Бошқарувининг 02.03.2010 йилдаги 10/1-сонли қарорига асосан «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ ҳузуридаги Амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган, «Нексия» русумли, давлат рақами 10BA453 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 14 257 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 25 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 25 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 25 ва 28 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. **Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.**

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Тошкент» Республика Фонд биржаси ОАЖ Бошқарувининг 23.03.2011 йилдаги 22-сонли қарорига асосан «Тошкент» Республика Фонд биржаси ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳар Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида сақланаётган, «Тико» русумли, давлат рақами 10AR356 бўлган, 2001 йилда иишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 100 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 25 апрел куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 25 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 25 ва 28 апрел кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. **Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.**

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги **«Star-teks servis»** МЧЖ устав фондини 65 300 000 сўмдан 45 300 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.
Stir (ИНН) – 300025252. Тел: 311-34-04

Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг бўлим мудири Мақсуд Шукуровга отаси

Гулом ШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: Sh. Abdusamadov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21:40

Буюртма Г — 351

21955 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2345